

---

## ҲАМКОРЛИҚДАГИ ЭЗГУ ТАШАББУС

### ҲАМКОРЛИҚДАГИ ЭЗГУ ТАШАББУС

Мажбурий ижро юросининг Сўх туман бўлими, туман прокуратураси ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан оиладаги ажримларни олдини олиш, уларни яраштириш, ишсиз юрган алимент туловчиларни иш ва доимий даромад манбаи билан таъминлаш, фарзандларни етимликда вояга етишини олдини олиш борасида ажрашган ва ажрашиш арафасида бўлган оилалар билан маърифий ва маънавий суҳбатлар ўтказилиши натижасида оилалар ярашмоқда.

Хусусан Бюронинг Сўх тумани бўлими иш юритувида бўлган фуқаролик ишлари бўйича Сўх туман судининг 17.02.2021 йил кунги қарорига асосан қарздор Ш.А. дан ундирувчи Н.Н. фойдасига бир нафар фарзандининг таъминоти учун қарздорнинг ойлик даромадидан 1/4қисм миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижросини таъминлаш давомида туман прокурори, Мажбурий ижро бюроси Сўх тумани бўлими ва туман ҳокимлиги ходимлари томонидан қарздор ва ундирувчи билан ўтказилган суҳбат ва тушунтиришлар сабаб, ушбу оила яраштирилиб, фарзанд ота бағрига қайтиши таъминланди ва ижро иши тамомланди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-03-05 09:06:42